

ТОШКЕНТНИНГ “ЯНГИ ШАҲАР” ҚИСМИ АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРКИБИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛ

Ш.Шайдуллаев

ЎзМУ Тарих факультети

Магистри

Анотация: Ушбу мақолада Тошкент шаҳрининг янги шаҳар қисми аҳолисининг ижтимоий таркибига оид маълумотлар таҳлил қилинган. Шунингдек, тошкентнинг янги шаҳар қисмига кўчирилган аҳолига берилган имтиёзлар ва уларнинг кўчириб келтирилган ҳудудлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Туркистон, Бўзсув, Чор, десятина, мустабид, православ, миграция, руҳоний, евангелист, лютеран,

Тошкентни “эски” ва “янги” қисмларга ажратиш 1895 йилда Сирдарё генерал-губернатори томонидан қонунга таянмасдан амалга татбиқ этилган. Бироқ К.К.Пален тафтишининг кўрсатишича, “шаҳарнинг шимолий қисми чегаралари жуда ҳам ноаниқ эди; унда чегараларнинг бурилишларидаги кўрсаткичлари (бурчаклари) ҳам, аниқ табиий белгилари ҳам бўлмаган.

Шу боис, шаҳар чегаралари аниқ кўрсатилмаган. Шаҳарнинг иккала қисми чегаралари Бўзсув ариғининг умумий чизиғи билан белгиланган бўлиб, унинг ўнг томони Тошкентнинг “эски” қисмига, чап томони “янги” қисмига қараган.

Тошкент босиб олинганининг дастлабки йилларида унинг “янги” қисми аҳолиси ҳарбий амалдорлар ва аксари савдогарлардан иборат бўлган. 1867 йилда 3000 та киши, улардан аскарлар 1525 ва аёллари 356 кишини ташкил этган. Чор ҳукумати хизматини ўтаб бўлган аскарларни Туркистон ўлкасида қолишидан манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам ўлкада қолган ҳарбий оилаларга бир қанча имтиёзлар берилди. Ўлкада қолган ҳар бир ҳарбий оила 7 десятинадан кам бўлмаган ҳосилдор ерлар билан таъминланди.

1866 йилда шаҳарга келган А.П.Хорошхиннинг тадқиқотларида маълумот берилишича, “хатто тикувчи ва этикдўзлар ҳам фақат аскарлардан иборат бўлган”. Босиб олинган ерларда русларнинг аҳволи унча мустаҳкам бўлмаган дастлабки вақтларда бу табиий ҳол эди, албатта. Кейинчалик, Туркистон ўлкасида мустабид ҳукуматнинг таъсири ва ҳукмронлиги кенгайиши билан Россиядан одамлар оқиб кела бошлади.

Аҳолини кўчириб келтириш ҳисобига кўпайиб бориши ва Туркистон ўлкасини руслаштириш ҳам мустамлакачилик сиёсатининг асосий вазифаларидан бири бўлган. Шу мақсадда Туркистон ўлкасига Россиянинг Харьков, Воронеж, Астрахан, Самара ва Оренбург губернияларидан Туркистонга деҳқонлар кўчириб келтирилган [1].

Рус ҳукумати Тошкент шаҳри атрофига рус қишлоқларини халқа тарзида жойлаштирилиб, XIX асрнинг охирига келиб бундай қишлоқлар сони 16 тага етди.

1871 йилги шаҳар аҳолиси рўйхатига кўра, Тошкентнинг “янги қисм аҳолиси сони 2073 нафарга етган. Шаҳар аҳолисининг миллий таркиби: руслар 1289, ўзбеклар 318, қozoқлар 114, немислар 110, татарлар 98, яҳудийлар 6, мордвинлар 5, бошқирлар 3, форслар 3, данияликлар 2, афғонлар 1, молдаванлар 1, грузинлар 1, инглизлар 1 нафар бўлган [2].

Тошкент шаҳрининг бу қисмида православлар, яҳудийлар, лютеранлар, католик, реформатор, евангелист, инглизлар ва мусулмон динига эътиқод қилувчи аҳоли вакиллари рўйхатга олинган [3].

Турли манбалардаги маълумотларга кўра, шаҳар аҳолиси 40 касб ва машғулотга эга бўлган: жумладан, зобитлар ва ҳарбий амалдорлар 547 киши, савдогарлар 80 киши, руҳоний хизматчилари 5 киши, саноатчилар 53 киши, приказчиклар 14 киши, чилангарлар 5 киши, темирчилар 5 киши, этикдўзлар 7 киши, усталар 16 киши, дурадгорлар 10 киши, ошпазлар 6 киши, печкачилар 8 киши, извошчилар 10 киши, машшоқлар 11 кишини ташкил этган.

Ўша 1871 йилда «янги шаҳар» саноат корхоналарида руслар (348), ўзбеклар (159), қозоқлар (87), яҳудийлар (19), татарлар (15) миллатига мансуб аҳоли вакиллари ишлаган бўлиб, улар орасида туб аҳоли вакиллари кўп кишини ташкил этган, чунки улар арзон ишчи кучи ҳисобланган.

Ҳар йили Россиянинг турли бурчакларидан турли миллат вакиллари кўплаб кўчиб келиши натижасида «янги» шаҳар аҳолиси 4 йил ичида икки баравардан зиёдга ортган [4].

Рус маъмурияти Тошкентга тобора кўпроқ оқиб келаётган одамларни иш билан таъминлай олмаган ва 1875 йил шаҳар аҳолиси рўйхати натижасида 1208 нафар одамни “тайинли иши йўқ” бўлган[5].

Шаҳарнинг «янги» қисмига 11 та врач, 9 та фельдшер, 8 та доя, 4 дорихоначи, 11 машшоқ ва 8 та ўқитувчи тўғри келган. 1890 йилларда аҳоли сони хийла ўсган. Агар 1881 йилда аҳоли сони 8343 киши бўлса, 1896 йилда эса 18.227 нафарга етган [6].

1897 йилларда улар 25000 нафар кишин, 1898 йилда 26015, 1899 йилда – 26864, 1900 йилда 31578 нафар кишини ташкил этган. Кейинчалик Туркистон ўлкасида темирйўл қурилиши муносабати билан ўлкага кўчириб келтирилганлар сони янада кўпайиб кетди. Уларнинг таркиби турлича бўлиб, 1890 йилларгача кўчиб келганлар, асосан, ўрта ҳол деҳқонлардан иборат бўлган. Лекин Россиядаги 1891 – 1892 йиллардаги очарчилик оқибатида аҳолининг энг камбағал қисми ҳам Туркистон ўлкасига оқиб кела бошлаган. Бу миграцион жараёнлар натижасида шаҳар «янги» қисми аҳолиси ҳам ҳар йили ўртача уч минг одамга кўпайиб борган. 1909 йилда шаҳарнинг янги қисмида 50400, 1910 йилда – 53150, 1911 йилда – 56100 нафар киши яшаган [7].

1911 – 1913 йилларда шаҳарнинг аҳолисининг янги қисм аҳолиси, айниқса, кескин кўпайган, бу пайтда «янги» шаҳарда 71192 ва 82851 нафар киши истиқомат қилган. Аҳолининг миллий таркиби ҳам кенгайган. Улар орасида монголлар, бурятлар, дунганлар ва хитойликлар пайдо бўлган [8].

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳар янги қисм аҳолиси Россиянинг марказий ҳудудларидан кўчириб келтирилган ва иш излаб келган аҳоли ҳисобига демографик таркибида кўпроқ европа миллатига мансуб миллат вакиллари сонининг ортиши кузатилган.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. “Fan va Texnologiya”, 2004. – Б.13.
2. ЎзМА., И-1-фонд, 16-рўйхат, 1340- йиғмажилд. 74-варақ
3. Ж.Исмоилова. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. “Fan va Texnologiya”, 2004. – Б.13.
4. Ж.Исмоилова. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. “Fan va Texnologiya”, 2004. – Б.14.
5. ЎзМА., И-1-фонд, 16-рўйхат, 1340-йиғмажилд., 96-варақ
6. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. “Fan va Texnologiya”, 2004. – Б.16.
7. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи. “Fan va Texnologiya”, 2004. – Б.16.
8. ЎзМА, И-37-фонд, 1-рўйхат. 349-йиғмажилд, 1-варақ